



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 30 июнь, № 132 (7090)

Шанба

Сайтимизга Ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ, ДАСТУРЛАР НАТИЖАСИНИ ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗИШИ КЕРАК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 июнь куни Тошкент шаҳар Олмасор туманида бўлди.



Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Олмасор туманида ҳам ишлаб чиқариш-ни ривожлантириш, замонавий ижтимоий объектлар бунёд этиш, маҳалла ва тураржойларни обод қилиш, ҳудуд аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш борасида кенг қўлламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб тумандаги “Иброҳим ота” маҳалла фуқаролар йиғида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз шу йил 1 июнь куни Чилонзор туманидаги Хирмонтена ва Тирсақобод маҳаллаларига ташрифи чоғида “Обод маҳалла” дастури лойиҳасини шакллантириш бўйича топшириқ берган эди. Шу асосда маҳаллалар қиёфасини янгилаш мақсадида “Обод маҳалла” дастури қабул қилинди.

Иброҳим ота маҳалласи ҳам мазкур дастурга киритилган.

Ушбу маҳалла ҳудудида 19 та икки қаватли ва 4 та тўрт қаватли уй жойлашган. Утган асрнинг 60-йилларида қурилган мазкур уйлар бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. Мухандислик-коммуникация тармоқлари ҳам эскирган.

“Обод маҳалла” дастурига мувофиқ, маҳаллада барча кўп қаватли уйлар, кўча ва йўлақлар таъмирланиб, ҳудуд ободонлаштирилмоқда. 7 та икки қаватли арзон уй-жой, замонавий мактаб-гача таълим муассасаси қурилмоқда. Шунингдек, намунавий лойиҳа асосида маҳалла гузари, коммунал тўловлар шохбосчаси, болалар ва спорт майдончалари барпо этилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги маҳаллаларни ўрганиш борасида бошланган ишлар хусусида тўхталар экан, уйма-уй юриб, ҳар бир оиланинг талаб-истакларини ўрганиш, муаммоси бўлса ёрдам бериш, тadbиркорларни жалб этиб, иш ўринлари яратиш зарурлигини таъкидлади.

— Бу маҳалла одамларининг ҳам бола-чақаси, эртанги кундан умидлари бор. Мамлакатимиздаги ўзгаришларни, қабул қилинаётган дастурлар натижасини одамлар ўз уйида сезиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Энг асосий мақсад, одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратишдир.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ёшлар, азиз ўғил-қизларим!

Сизларни, сизларнинг тимсолин-гизда бутун халқимизни мамлакатимизда биринчи марта нишонланаётган кутлуг айём — “Ёшлар кўни” билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай қувончли кунда, аввало, юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навқирон авлодимизнинг муносиб иштирок этаётганини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш биз олиб бораётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Утган бир йилнинг ўзида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган 20 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам бу факрни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, сизларнинг ташаббусингиз билан бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёшларимиз, бутун эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Албатта, бир йил — тарих учун жуда қисқа фурсат. Шунга қарамадан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўтган қисқа даврда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қиладиган муҳим ижтимоий тузилмага айланди.

Шу асосда ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириш оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазираси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда.

Бунинг амалий тасдиғини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Хусусан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тadbиркорларга, айниқса, қизларимизга ҳунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиб, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерлиқни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмун-

ли ташкил этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Фақат бир йил давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси билан 4 минг 300 га яқин йигит-қизларимизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилгани, 184 минг 300 дан зиёд фарзандларимиз иш билан таъминлангани эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-ҳуқуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очик мулоқотлар олиб бориши ихобий аънамага айланиб бормоқда. Бундай мулоқот ва учрашувларда ёшларни қийнаётган қўлгина муаммолар жойида ҳал этилмоқда, уларга амалий ёрдам, малакали маслаҳат ва йўлланмалар берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз.

Бу борада ёш, истиқболли кадрлар учун тажриба ва маҳорат мактабини ўтаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафларида тобланган, замонавий билим ва кўникмага, етакчилик салоҳиятига эга бўлган

кўплаб ёшлар вазирилик ва идоралар, йирик компания ва банклар, ҳўжалик бирлашмаларига масъул лавозимларга тайинланаётгани ҳаётимизга янги ҳаёт руҳи ва мазмун бағишламоқда.

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Ёшлар — келажак бунёдкори”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ақли шаҳар” каби кенг қамровли дастурларни амалга оширишда айнан ана шундай ташаббускор, ҳар бир масалага янги ҳаёт бағишлаган ўғил-қизларимиз фаол иштирок этаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд қилади.

Ишонаман, бундай улкан бунёдкорлик жараёнлари ёшларимиз илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларни юзага чиқаришда, уларнинг эл-юртимизга фидойи раҳбар ва мутахассис, ҳақиқий шахс ва гражданд бўлиб шаклланишида беқиёс ўрин тутди.

Жонажон Ватанимизнинг янги қиёфасини яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижоатли ёшларимиз учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Келажак бунёдкори” медалини таъсис этганимиз ва бугун сизларнинг орангизда шу мукофотларнинг илк совриндорлари борлиги барчамизга мамнуният бағишлайди.

Утган бир йил мобайнида ўғил-қизларимиздан 266 нафари республика, 80 нафари халқаро фан олимпадалари қолиблари бўлган, спортчиларимиздан 12 нафари

жаҳон, 93 нафари Осиё чемпионатларида, 150 нафардан зиёди халқаро мусобақаларда юксак шохсупаларга кўтарилиганини ана шундай эзгу ишларимизнинг дастлабки натижалари сифатида қабул қиламиз.

Ёшларимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб воғая этиши учун таълим-тарбия соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими яратилмоқда, умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда. Олий таълим тизимида янги, замонавий билим масканлари, жумладан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, соҳа фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда.

Ортимизда Темурибеклар ҳарбий лицейлари, Мухаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек мактаблари, атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари ташкил этилгани унинг-ўсиб келётган фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Биз бу борадаги ишларни келгусида ҳам албатта изчил давом эттирамиз. Хусусан, иқтидорли ёшларимизни дунёнинг энг етакчи университетлари, илмий марказларида давлат ҳомийлигида ўқитиш, малакасини ошириш бўйича самарали тизим яратиш олдимизда турган муҳим вазифадир.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 29 июнь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини туғилган кун билан самимий табриклаб, мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади.

Бугунги кунда Туркменистон эришаётган улкан муваффақиятлар, унинг халқаро нуфузи изчил юксалиб бораётгани Гурбангули Бердимухамедов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва ўзгаришларнинг, ихобий бетарафлик сиёсатининг амалий натижалари экани алоҳида таъкидланди.

Туркменистон Президентининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, транспорт йўлақлари ва энергетик инфратузилмани ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, спортни оммалаштириш ва бошқа йўналишлардаги халқаро ташаббусларига юксак баҳо берилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқот ва учрашувлар қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарини мустақамлашга, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини кенгайтиришга хизмат қилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Туркменистон Президентининг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга амалга оширган самарали давлат ташрифи ҳамда унинг яқини бўйича эришилган юмчи келишув ва битимлар кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигига янги суръат бахш этиб, уни амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Мулоқотда савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика соҳалари, самарали транспорт ва транзит коммуни-кацияларини ривожлантириш, шунингдек, маданий-гуманитар йўналиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Туркменистон Президенти самимий табрик ва тилақлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президентини жорий йил август ойида Ашхобода бўлиб ўтадиган Оролни кўтаршиш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг саммитида иштирок этишга тақлиф қилди.

Мулоқот сўнида давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодийни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, ўрганишлар натижалари мазкур соҳада бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаоллиқни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлиги зарурий даражасини таъминлашга тўқсинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни кўрсатиб, хусусан:

биринчидан, умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юқи даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юқи даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги; **иккинчидан**, қўшилган қиймат солиғини ўндиришнинг самарасиз тизими, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиладиган, шунингдек, истеъмол маҳсулотининг оралик ва яқиний қиймати қўмнатлашишига олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперацияни ривожланишига тўқсинлик қиладиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;

учинчидан, солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яиришига олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги;

тўртинчидан, ҳўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан, индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли амалиёти, натижада соғлом рақобат муҳити салбий таъсир кўрсатувчи имтиёзларнинг самарадорлигини назорат ва мониторинг қилиш тизимининг мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмаштириш механизмиларининг, электрон солиқлар маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг шакл ва услубларининг такомиллашмаганилиги; **олтинчидан**, ўтказиладиган назорат тadbирларининг сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ва инсофли тadbиркорлик субъектларининг фаолиятига аралаштиришлари камайтиришга тўқсинлик қиладиган назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқболни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш

мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017 йил 21 ноябрдаги “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги ПК-3402-сонли қарорига асосан:

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА БОЖХОНА- ТАРИФ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида мамлакатда халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашмиш ва тadbиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил ишлар олиб борилди.

Шу билан бирга, божхона-тариф жиҳатдан тартибга солишнинг амалдаги тизими рақобатнинг бозор принциплари ривожланишини рағбатлантирмапти. Хусусан, олиб ки-

риляётган товарларга нисбатан божхона тўловларини тўлаш бўйича ҳаддан ташқари кенг имтиёзлар берилиши тариф жиҳатдан самарали тартибга солиш имконини бермапти, ваҳолонки, шахсий преференциялар тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун тенг бўлмаган рақобат шароитларини яратмоқда.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ёшларни, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам биз учун энг муҳим ва устувор йўналишга айланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўй-ҳой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Ёшлар ўйларини барпо этиш дастури ҳаётга изчил жорий этилаётганини таъкидлаш лозим.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугунги байрам кунида барчамизнинг умид ва ишончсизи бўлган сиз, азиз ёшларнинг эришган ютуқларингиз билан бирга янги вазифалар, ечимини кутиб турган камчиликл ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг навқирон йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, фарзандларимиз ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Афсуски, ёшларимиз ҳаётидаги катта-кичик ҳар бир муаммога жиддий қараб, аниқ амалий ечим топиш, ёшлар билан беvosитта ишлаш, доимий мулоқот қилиш ўрнига дабдабали тadbирлар ўтказиш, кампанибозликка берилишдек яроқсиз иш усули-

дан ҳали ҳам бутунлай қутулганимиз йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз барчамиз эндигина бир йиллик шаклланиш йўлини босиб ўтган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тезроқ ўлгайиши, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тизимида, ёшларимиз ҳаётида ўзининг мустақкам ва муносиб ўрнини топишини истаймиз ва бунинг учун зарур амалий ёрдам беришга тайёرمىз.

Балки бугунги қувончли айёмда бундай нохуш ҳолатларни эслаш жоиз эмасдир. Лекин биз ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, муаммоларимизни ўзимиз бартараф этмасак, ҳеч ким четдан келиб уларни биз учун ҳал қилиб бермайди.

Ёшларимизнинг ҳаётий муаммоларига янада қўпроқ эътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион гояларини қўллаб-қувватлаш, ёш авлоди-мизнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифаси бўлиб қолади.

Ёшлар ўртасида тadbиркорликни кенг ривожлантириш учун Ёшлар тadbиркорлиги худудлари, Тошкент шаҳрида Ёшлар инновацион технопаркини ташкил этиш, шунингдек, Фанлар академиясига қарашли илмий лабораториялар ва марказлар негизида ёш

олимларнинг илмий тadbқиотларини йўлга қўиш каби ишларни сизларнинг фаол иштирокингиз билан яқин келажақда амалга оширамиз.

Куни кеча қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доира-сида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган махсус жамғарма мамлакатимиз иқтисо-диётида замонавий технологияларни қўллаш, ёшларни бу жараёнга кенг жалб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамяиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташаб-буслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро кон-венциясини ишлаб чиқиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат-лар раҳбарларининг Ёшларга мурожа-ати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги тақлиф-ларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланоқда.

Ҳаммамиз қўриб, кузатиб турибмиз — бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очил-билан бирга, уларни илгари кўрилма-ган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор этмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқону-ний миграция, “оммавий маданият” каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига огир қулфатлар олиб келмоқда, ғаразли кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб ул-гурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда.

Шунинг учун биз — ота-оналар, ус-тоз-мураббийлар, жамоатчилик, ма-ҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳлики янада ошириб, буюк маъ-рифатпарвар бобомиз Абдурауф Фит-рат айтгандек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бораётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб бориши-миз зарур.

Халқимизга хос бағрикенглик, кеңиримллилик ва олижаноблик фазилатларидан келиб чиқиб, билиб-билмай жиноятга қўл урган, тўғри йўлдан адашган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ёшларни кечириб ва тинч ҳаётга қайтаришга юртимизда катта эътибор қаратишмоқда.

Ана шундай амалий ишларимиз тўғрйли юзлаб ёшлар — Ўзбекистон фўқаролари ота-онаси, оиласи бағрига қайтгани жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳитни, инсонпар-варлик тамойилларини мустаҳкамлаш

йўлида муҳим қадам бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Биз — барчамиз, қаерда бўлмай-лик, ягона Ўзбекистон фарзандлари эканимизни англаб, шу буюк тўғйуни эъъозлаб яшасак, албатта, кам бўлмаймиз.

Шунинг учун биз чет элларда турли соҳаларда жиддий ютуқларга эришган ватандошларимиз ташаббуси билан “Буюк келажак” халқаро нодавлат но-тижорат ташкилоти тузилганини қўллаб-қувватлаймиз. Хорижий давлат-ларда ўқиб, меҳнат қилаётган барча юртдошларимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг билими ва имконият-ларини Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириш биз ўз олдимизга қўйган максадларга тўла жавоб беради.

Айни вақтда Ўзбекистон ёшлари-нинг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатла-ридаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муно-сабатлари ўрнатиши гоят муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё ёшлари форуми ана шундай кенг миқёсдаги мулоқот йўлида дастлабки жиддий қадамдир.

Азиз ёшлар, қадрли фарзандларим!

Мана шу қувончли кунда сизларни, кўп миллатли Ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшлар-га доир давлат сиёсатини ҳеч оғиш-

масдан, қатъият билан давом эттира-миз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифати-да бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарлар-ни эгаллаб, ҳаётда ўз мустақкам ўрнингизни топишингиз, бахтли бўли-шингиз учун давлатимиз ва жамияти-мизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Сиз, жондан азиз ўғил-қизларимиз-дан фақат битта илтимосимиз, битта тилагимиз бор: ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқариш йўлида ҳорманг, чарчаман!

Ўқш-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Мен сизларнинг ҳар бирингизга эл-юртимиз фахрланадиган, жонажон Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзан-ди, ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман.

Сизларни “Ёшлар куни” билан яна бир бор сазамийий табриклай, барчангизга янги ютуқлар, бахт ва омад тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

еттинчидан, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларни йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги.

Мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган солиқ юкни камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб:

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иктисодиётга солиқ юкнинг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

солиқларни унфикация қилиш йўли билан уларни мақбуллаштириш, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операциян харажатларни минималлаштириш;

макроектимотий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини мустаҳкам шакллантиришни таъминлаш;

солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳавола қилувчи нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари миқдорларини белгилаш; ҳорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобиغا такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб:

а) **биринчидан**, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки қуйидагилар орқали қаматгирилади:

барча фўқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш. Бунда фўқароларнинг айрим тоифалари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

фўқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган сугурта бадалларини бекор қилиш; пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, бошқа юридик шахсининг устав жамғармаси (капитал)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми тегишли бўлган устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов миқдори 25 фоиз этиб, қолган

юридик шахслар учун 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилган ставкада белгилаш;

б) **иккинчидан**, айланмадан (ялпи тушумдан) солиқларни оптималлаштириш билан умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқлар тўловчиларни солиққа тортиш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонлари қуйидагилар орқали такомиллаштирилади: давлат мақсадили жамғармаларига юридик шахсларнинг айланмасидан (ялпи тушумидан) ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилиш;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун — 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, шунингдек, мобиль алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун, рентабеллик даражасидан келиб чиқиб улар учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартибини бекор қилган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш;

дивидендлар ва фойзлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш;

ўтган йил яқунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш. Бунда йиллик айланманинг (ялпи тушумнинг) 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори ҳар 3 йилда камидда бир марта қайта қўриб чиқилади;

барча тadbиркорлик субъектлари, шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланувчилик учун солиқни жорий этиш;

қўшимча фойда солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шу жумладан, роялти тўлашни жорий этиш орқали такомиллаштириш;

в) **учинчидан**, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш чоралари қуйидагилар орқали амалга оширилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан, илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун юқори ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш;

йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун айланмадан (ялпи тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда ихтёрий равишда қўшилган қиймат солигини тўлаш имкониятини белгилаш; ягона ер солиғи тўловчилари учун амалдаги солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш.

г) **тўртинчидан**, қўшилган қиймат солиғи ва акция солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қуйидагилар орқали такомиллаштирилади:

қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш, солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёзлар сонини камайтириш, шунингдек, 2019 йил якуни бўйича мазкур солиқ ставкасини пасайтириш орқали қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиз миқдордаги амалдаги ставкасини сақлаб қолиш;

ҳозирги вақтда сотиб олинадиган асосий воситалар, қурилиш тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар нархига қиритиладиган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш суммаларига қиритиш ҳукукни бериш;

тегишли тadbирларни молиялаштириш учун маблағларни республика бюджетига ўтказиш йўли билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига ўрнатилган акция ва йиғимларни бирлаштириш.

3. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини бекор қилиш бўйича янгиланган ишчи комиссия тариби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи комиссия (Б. Мавлонов):

бир ҳафта мuddатда тегишли йўналишлар бўйича эксперт гуруҳлари фаолиятини, шу жумладан, улар ишига солиққа тортиш соҳасида амалий тажрибга эга экспертлар ва бизнес вакилларини жалб қилган ҳолда ташкил этсин;

2018 йил 1 ноябрга қадар самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини бекор қилиш,

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодексларига мувофиқ доимий амалда бўладиган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини тақдим этиш тартибини жорий қилиш бўйича тақлифлар тайёрлашни назарда тутувчи

2018 йил 1 декабрга қадар янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, унинг кенг жамоатчилик муҳокамасини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини тайёрлашда ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишда техник жиҳатдан кўмаклашишни таъминлаш учун Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда:

а) солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчилар маъмурий харажатларининг кескин ошишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-tadbирларни тасдиқласин:

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг фойда солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш бўйича малакасини ошириш;

солиқ ҳисоботини соддалаштириш ва унинг автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритувчи дастурий маҳсулотлар билан интеграциялашувини таъминлаш;

солиқ маъмуриятчилигини, шу билан бирга, солиқларни тўлаш даврийлигини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-tadbирлар дастурини;

пенсияларни ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг персоналаштирилган ҳисобини юритиш тартибини жорий қилиш;

б) якка тартибдаги тadbиркорлар томонидан амалга оширилишига рухсат этилган фаолият турларини танқидий қўриб чиқиш ва қисқартиришни таъминласин;

в) маълумотлар базалари солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасига интеграция қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар вазирлик ва идораларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаси ишончлилигини ўргансин ва уларнинг ишончилигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда юридик шахслар кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш механизмлари оммавий баҳолаш бўйича илгор ҳорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш юзасидан комплекс чора-tadbирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар стратегик режалаштириш ва прогноزلашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ва мазкур Фармон билан белгиланган солиқ тизимини ислоҳ қилиш чора-tadbирларини инобатга олган ҳолда 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнозини ишлаб чиқишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров:

2019 йил учун бюджетномода ушбу Фармон билан белгиланган тартиб ва қондаларни назарда тутсин;

2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тақдим этиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган ўрта мuddатли бюджет мўлжалларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 — 2021 йилларга Ўзбекистон Республикаси Давлат

Ўзбекистон Республикаси		
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 июнь		

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловаларга рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганларга “Ёшлар куни” арасидада ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик доилмоллари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллия вазирлиги “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Қ. Куронбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 июнь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги ПҚ–3816-сонли қарорига илова

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар Р Ў Й Х А Т И

Мамбетназаров Исламбек Муратбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси сув спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак эшиш бўйича мураббийи

Сағатов Сабур Бахтияр ули — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги “Комсервис Шуманай” хусусий корхонаси директори

Мусабоев Шахризод Тўйчибек ўғли — Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Олтин ер ҳимоя” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Холдаров Иқболжон Боходиржон ўғли — Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси

Рахмонов Шерзод Толибович — Бухоро вилояти Пешку туманидаги “Хамро Рахмон қорва” фермер ҳўжалиги бошлиғи
Хайдаров Мухаммад Шамсиддин ўғли — “Хўнарманд” уюшмасининг Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими аъзоси, ёғоч ўймакор уста

Исроиллов Отабек Батирович — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси етакчи муҳандиси

Холигитови Бехзод Мардибой ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси (Жиззах вилояти)

Абдисалимов Абдмалик Боходир ўғли — Қашқадарь вилояти Яккабўғ туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Турсунов Жаҳонгир Юсуп ўғли — Республика дизайн коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Қашқадарь вилояти)

Гаффоров Иброҳимжон Қобилжон ўғли — Навоий вилояти Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

Қудратов Истам Сафар ўғли — “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси электрчилангари

Муродуллаев Сарварбек Жавлонбек ўғли — Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 4-босқич талабаси

Юсупов Мухаммадхон Олим ўғли — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш иходкорлар Кенгаши етакчи мутахассиси (Наманган вилояти)

Аликов Камолжон Камтар ўғли — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги “Регистон Камолжон” хусусий корхонаси раҳбари

Бахромов Илҳом Исмоил ўғли — Республика олимпия захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Каюмхужаев Одикулжа Икромхужа ўғли — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Хамдамов Жавлонбек Бахтиёр ўғли — Тошкент педиятрия тиббиёт институтининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

Тукташов Санжар Кароматович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Термиз шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

Сабриддинов Аслиддин Диёрдинов ўғли — Тошкент вилояти Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳўнар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Султонов Отабек Қурбонбой ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейи 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Рустамов Ойбек Ровшанжон ўғли — Фарғона вилояти “Кўкон-1912” профессионал футбол клуби аъзоси

Хошимов Қобилжон Қосимжонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ҳарбий қисм взвод командири (Фарғона вилояти)

Аллабергенов Зафар Улугбекович — Урганч давлат университетининг 1-босқич талабаси

Эгамбергенов Ҳакимбой Қудрат ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Абдулбоқиев Жамшид Фозил ўғли — Тошкент шаҳар Олмасор тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 17-ИИБ профилактика инспектори

Шукуров Ровшанбек Абдурахманович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ходими (Тошкент шаҳри)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА БОЖХОНА-ТАРИФ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини рағбатлантиришга, ички бозорни сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган божхона-тариф жиҳатдан тартибга солишининг самарали тизимини шакллантириш мақсадида:

1. Куйидагилар божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий принциплари этиб белгилансин:

бож тарифларининг тартибга солиш функцияларини иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг қўшилган қиймат глобал занжирига уйғун интеграциялашувга йўналтирилган устуворликларидан келиб чиққан ҳолда кучайтириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибани, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёҳуд етарли бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқариладиган ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш; янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида замонавий технологик усуналар ва техникаларни олиб кириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлашни сақлаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини янада жадаллаштириш;

божхона расмийлаштируви чоғида тури, мақсади, хусусияти ва таркиби бўйича ўхшаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича яқин бўлган товарларни божхона тўловларининг пастроқ ставкалари қўлланиладиган позицияга таснифлаш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида ушбу товарларга божхона тўловлари ставкаларини унификация қилиш; акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш, уни инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан қўллаш.

2. Куйидагилар:

импорт божхона божлари ставкалари 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу банд билан тасдиқланаётган

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСINI, ДАСТУРЛАР НАТИЖАСINI ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗИШИ КЕРАК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз мазкур маҳалла фаоллари ва аҳоли билан суҳбат-лашди. Аҳолини иш билан таъмин-лаш, мактабгача таълим ва мактаб таълимини ривожлантириш, ёшлар-ни баркамол инсонлар этиб тарбия-лаш борасидаги ислохотлар муҳияти ҳақида мулоқот қилди. Самимий суҳбат чоғида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва “Ёшлар — келажакимиз” дастурлари халқимиз фаровонлиги-ни юксалтириш, ёшларни қўллаб-қувватлашда замин бўлиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 21 апрелда Олмасор туманига та-ш-рифи давомида Тошкент йўнч-оқлар фабрикаси негизда болалар йўн-ч-оқлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича топшириқлар берган, бу ишга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки масъул этиб тайин-ланган эди.

Давлатимиз раҳбари туманга нав-батдаги таширфи доирасида ушбу корхонада бўлиб, бажарилган иш-ларни кўздан кечирди. Хусусан, фаб-рика ҳудудидаги ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида, “NBU Investment” МЧК томонидан ташаббускор-инвестор-лар билан биргаликда 5 та янги кор-хона (“Toys City”, “O‘yinchoqlar Fabriklari”, “Funny Kids World”, “National Products” ва “United Nation company” МЧК ҚК) ташкил этилди.

Ушбу корхоналарда болалар кийим-кечаги, турли буюмлар ва йўнч-оқлар ишлаб чиқариш бўйича 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳалар тўлиқ ишга тушгандан сўнғ 920 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Хозирга келиб, лойиҳалар доира-сида зарур бино-иншоотларни қуриш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, имзолан-ган импорт шартномалари бўйича асбоб-ускуналарнинг бир қисми келтирилиб, монтаж қилинмоқда.

Усқуналарнинг қолган қисми июль ойи давомида етказиб берилди.

Бугунги кунда “Toys City” корхо-наси ишга туширилган бўлиб, 70 га яқин махсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Хом ашёнинг асосий қисми маҳаллий корхоналардан олинаётгани боис махсулотлар нархи хорижикидан анча арзон, сифати юқори.

— Ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан соғлом, дунёқарashi кенг, юксак маънавий фазилатларга эга бўлиб ўсаяллигини истайди. Бунда лойиҳачиларнинг аҳамияти катта, — деди Президентимиз. — Бу ерда ташкил этилаётган корхоналарда ишлаб чиқариладиган йўнч-оқлар сифати жиҳатидан хорижикидан кам бўлмаслиги керак.

Шу ерда Олмасор туманида таш-кил этиладиган “Давлат хизматлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА БОЖХОНА-ТАРИФ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ставкалар 2019 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

3. 2018 йил 1 сентябрдан эътиборан шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

чегара божхона постларида божхона органлари томонидан божхона назоратини ўтказиш чоғида ветеринар, фитосанитар, экологик ва санитар-эпидемиологик назорат ҳам амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан мувофиқлик сертификатлари берилган товарларга нисбатан мувофиқлика мажбурий сертификатлаштиришни амалга ошириш талаб этилмайди;

товарларнинг “эркин муомалага чиқариш (импорт)” режимига божхона расмийлаштируви учун товарларни давлат тилида мажбурий маркировка қилиш талаб этилмайди;

“божхона омбори” режимида олти ойдан кўп бўлган товарларнинг божхона расмийлаштируви чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан божхона тўловлари юзасидан тақдим этилган имтиёзлар қўлланилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда:

республикага товарлар олиб киришда божхона тўловлари бўйича имтиёзларни бекор қилиш юзасидан тақлифлар киритилишини;

товарларни реализация қилишнинг қулайлигини таъминлаш учун чегара ҳудудларда савдо мажмуаларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг веб-сайтида товарларнинг божхона чегараси орқали ҳаракати режимиини тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, товарларнинг божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар, ҳар бир товарга мос равишда божхона божлари ставкалари, ушбу ҳужжатларни берувчи органлар тўғрисидаги батафсил ахборотни, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бошқа маълумотларни реал вақт режимида бепул асосда олиш имконини берадиган “Интеграциялашган тариф” интерактив хизмати жорий этилишини;

б) икки ой муддатда:

“Интеграциялашган тариф” интерактив хизмати орқали тақдим этиладиган ахборотнинг, жумладан, санитар-карантин, фитосанитар ва ветеринар назорати бўйича, рухсатнома бериш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги таабларнинг тўлиқ рўйхати;

“Интеграциялашган тариф” интерактив хизмати орқали тақдим этиладиган ахборотни ўз вақтида янгилаб бориш

бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг ушбу ахборотни ўз вақтида янгилаб бормаганлиги ҳамда сифатсиз янгилаб борганлиги учун жавобгарлигини назарда тутган ҳолда, технологик йўриқнома ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

в) “Интеграциялашган тариф” интерактив хизматининг узлуқсиз ишланиши ва ахборот хавфсизлигини таъминласин.

5. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат органларига “Интеграциялашган тариф” интерактив хизматида назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб этиш ман этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош прокуратура билан биргаликда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нарх-наво юзасидан ўзаро тил бириктириш ҳолатларини ҳамда соғлом рақобатни чеклайдиган келишилган ҳаракатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

7. Куйидагилар 2019 йил 1 январдан эътиборан ўз кучини йўқотган деб топилинс:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3303-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ–3454-сонли қарорининг 12^и-илоvasи.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М. Б. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 июнь	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА БОЖХОНА-ТАРИФ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ставкалар 2019 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

3. 2018 йил 1 сентябрдан эътиборан шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

чегара божхона постларида божхона органлари томонидан божхона назоратини ўтказиш чоғида ветеринар, фитосанитар, экологик ва санитар-эпидемиологик назорат ҳам амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан мувофиқлик сертификатлари берилган товарларга нисбатан мувофиқлика мажбурий сертификатлаштиришни амалга ошириш талаб этилмайди;

товарларнинг “эркин муомалага чиқариш (импорт)” режимига божхона расмийлаштируви учун товарларни давлат тилида мажбурий маркировка қилиш талаб этилмайди;

“божхона омбори” режимида олти ойдан кўп бўлган товарларнинг божхона расмийлаштируви чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан божхона тўловлари юзасидан тақдим этилган имтиёзлар қўлланилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда:

республикага товарлар олиб киришда божхона тўловлари бўйича имтиёзларни бекор қилиш юзасидан тақлифлар киритилишини;

товарларни реализация қилишнинг қулайлигини таъминлаш учун чегара ҳудудларда савдо мажмуаларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг веб-сайтида товарларнинг божхона чегараси орқали ҳаракати режимиини тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, товарларнинг божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар, ҳар бир товарга мос равишда божхона божлари ставкалари, ушбу ҳужжатларни берувчи органлар тўғрисидаги батафсил ахборотни, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бошқа маълумотларни реал вақт режимида бепул асосда олиш имконини берадиган “Интеграциялашган тариф” интерактив хизмати жорий этилишини;

б) икки ой муддатда:

“Интеграциялашган тариф” интерактив хизмати орқали тақдим этиладиган ахборотнинг, жумладан, санитар-карантин, фитосанитар ва ветеринар назорати бўйича, рухсатнома бериш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги таабларнинг тўлиқ рўйхати;

“Интеграциялашган тариф” интерактив хизмати орқали тақдим этиладиган ахборотни ўз вақтида янгилаб бориш

кўрсатиш қўлами 3 баробар камли-ги қайд этилди.

Мажхуд имкониятлардан оқило-на фойдаланиш, ишламаётган за-водларни тиклаш, янги корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик ва хиз-мат кўрсатишни ривожлантириш ҳисобидан одамларга даромад манбаи яратиш зарурлиги таъкид-ланди.

Оилаларни мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича амал-га оширилаётган ишларни янада та-комиллаштиришга оид кўрсатмалар берилди. Хусусан, тўй-ҳашамлар, оилавий тадбирлар ва маъракалар-ни исрофгарчиликларсиз, ихчам қилиб ўтказиш бўйича маҳалла раисларига тавсиялар берилди. Туманининг ҳар бир маҳалласида биттадан, жами 58 та намунали тўй ўтказиш ва уларни телевидение ва матбўотда кенг тарғиб қилиш вазифаси топширилди.

Дунё аҳолисининг қарийб 20 фон-зини ёшлар ташкил этади. Ўзбекис-тонда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади. Ёшлар давлатимизнинг бе-баҳо бойлигидир. Мамлакатимизда ёшларга давлат сёйсати даражаси-да алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун барча шaroит ва имкониятлар яратилишмоқда. Бунга жавобан ёшлар-имиз ҳам ишлаб чиқариш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт, ахборот-коммуникация технология-лари ва бошқа соҳаларда юксак на

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2018 йил 29 июни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси давом эттирилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Таъкидланганидек, 2018 йилнинг ўтган даврида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз миллий манфаатларини халқро майдонда ифода этиш ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 январдаги нутқида ва 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича комплекс ишлар амалга оширилган.

Товарлар экспортини амалга ошириш масаласида АКШ, Буюк Британия, Озарбайжон, Россия, Германия, Грузия, Бельгия, Бангладеш, Хиндустон, Италия, Малайзия, Латвия, Хитой, Корея Республикаси, Чехия, Таиланд ва БААда ташкил этилган халқро кўргазмаларда иштирок этишда мамлакатимиз компаниялари ҳамда корхоналарига вазирлик томонидан амалий кўмак берилган. Кўргазмалар якунлари бўйича қарийб 83,5 миллион долларлик савдо шартномалари имзоланган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида 2018 йилнинг январь — май ойларида хорижга ташрифлар ва мулоқотлар натижасида қиймати 17 миллиард долларлик 182 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Жорий йил 1 июнь ҳолатига қўра, дипломатик миссиялар томонидан 10,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашилди.

Муҳокама чоғида Ташқи ишлар вазирлиги олдиға қўйилган вазифаларни янада самарали бажаришга тўсқинлик қилмаётган муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Хусусан, товарларни экспорт қилиш, инвестициялар ва туристларни жалб этиш масалалари бўйича Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар томонидан вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган тақлифлар соҳаға ихтисослашган идоралар, ҳокимликлар томонидан ўз вақтида қўриб чиқилиши таъминланмаётгани.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар бердилар. Жумладан, хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва сайёҳлик алоқаларини ривожлантириш бўйича самарали ишларни амалға ошириш мақсадига Ўзбекистондаги ислотлар ва янгиланишларнинг бориши тўғрисида халқро ҳамжамиятга ҳолис ахборот етказиш учун “Дунё” ахборот агентлигининг фаолиятини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги муассасалари фаолиятини нафақат сон, балки сифат кўрсаткичлариға, шунингдек, идораларо ҳамкорлик механизмларини шакллантириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини татбиқ этишға эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган. Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Андижон вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ва халқ депутатлари маҳал-

лий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги хисоботини эшитдилар.

Андижон вилояти ҳокимининг хисоботида қайд этилганидек, вилоятни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан фойдаланиш борасида муайян ишлар амалға оширилган. Хусусан, 2017 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳаҳмининг ўсиши 106,7 фоизға етган. Тегшли дастурлар доирасида 1,5 триллион сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилб, қарийб 3040 та лойиҳа амалға оширилган. Бунинг эвасига 42,3 мингдан ортйк янги иш ўринлари яратилган. 2476 та хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъекти ташкил этилган, тижорат банклари томонидан уларға 1,2 триллион сўмлик кредит ажратилган.

Ўтган йили 99 та корхона экспорт қилувчи корхоналар сафига қўшилган. Натижада вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт қилинаётган мамлакатлар сони 18 таға етган, экспорт ҳажми қарийб 130 миллион АКШ долларини ташкил етган.

130 та ижтимоий соҳа объекти — шифохоналар, мактаблар, мактабгаъна таълим муассасалари, ичимлик сув иншоотлари фойдаланишға топиширилган. 24 та қишлоқ массивида 1165 та арзон уй-жой, шу жумладан, профлактика инспекторлари учун 326 та хизмат уйи барпо қилинган.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалға ошириш бўйича ишлар бошланган.

Жумладан, жами 497 минг 162 та хонадон (жами хонадонларға нисбатан 93 фоиз) бирма-бир ўрғаниб чиқилиб, 200 минг 505 та хонадон эгаларининг 2 триллион 959 миллиард сўм миқдоридаги кредит маблағига ҳоҳиши борлиги аниқланган. Ушбу хонадонларға биринчи босқичда 800 миллиард сўм маблағ ажратилиб, аҳолининг тадбиркорлик билан шугулланиши учун шaroит яратилган.

Шу билан бирға, сенаторлар Андижон вилоятда ҳудудларни ривожлантиришға ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг самарадорлигини оширишға салбий таъсир қўрсатаётган муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганини таъкидладилар. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари дуч келсаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари лозим даражада қўрилмагани оқибатида 2018 йилнинг биринчи чорағида 251 та кичик бизнес субъекти фаолияти тўхтатилган ва қўллаб иш ўринлари йўқотилган. Аҳоли эътиёжларига мос равишда иш ўринлари ташкил этиш, мавжуд иш ўринларини малакали кадрлар билан тўлдириш масалалари тўлиқ ҳал этилмаётгани.

Вилоятда аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва табиий (суюлтирилган) газ билан тўлиқ ва узлуқсиз таъминлаш борасида муаммолар мавжуд. Электр тармоқларининг айрим қисмлари фойдаланиш учун яроқсиз ҳолға келиб қолган. Жорий йилда газ қувурларини мукаммал таъмирлаш бўйича белгиланган режа бажарилмаган. Вилоятнинг ички ҳўжалик йўллари таъмирталаб аҳволда.

Муҳокама якунлари бўйича мазкур муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари масъулиятини кучайтиришға қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

Сўнға сенаторлар Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига

бағишланган тадбирларни тартибға солиш масаласини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, ўрганишлар давомида давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида 10 мингдан зиёд учравш, давра суҳбати ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Муҳокамаларда 120 мингдан ортйк мутахассис ва экспертлар, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Республика ишчи гуруҳи аъзолари, хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 250 мингдан зиёд фуқаролар ўртасида сўровнома ўтказилди.

Даврий босма нашрларда оилавий тадбирлар билан боғлиқ 350 дан ортйк таҳлилий-ахборот материал эълон қилинди, марказий телерадиоканалларда 150 дан зиёд кўрсатув, ток-шоу ва репортажлар, 450 дан ортйк эшитириш эфирға узатилди. Интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларға joyлаштирилган хабарлар 4 миллион мартаба ўқилди, 1,3 миллиондан ортйк фуқаро иштирокида муҳокама қилинди.

Тақлифларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, дин идоралари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тўйхона, кафе ва ресторанлар эгалари, санъат аҳлининг фикр-мулоҳазалари эътиборға олинди.

Муҳокамалар мобайнида жойларда аллақачон ихчам тўйлар ўтказила бошлангани, бу ташаббусни халқимиз хайрихоҳлик билан қабул қилаётгани, қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу боис халқимизнинг миллий урф-одатларидан, ҳудудларнинг ўзига ҳослигини келиб чиқиб, сенаторлар тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ихчам, камхарж, дабдабасиз ўтказиш зарур, деган ҳулосаға келдилар.

Тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам ўтказишни йўлга қўйишға одамлар ўртасида кенг қўламли тарғибот-таъшиқот, шахсий ибрат, намунали тадбирлар мисолида эришиш ҳар жиҳатдан фойдали экани қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, оилавий тадбирларни миллий кадриятларнинг асосида, камхарж, дабдабалардан холи ўтказишни кенг жамоатчилигимиз ва ҳар бир инсон онгли равишда англаб етмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам Сенатнинг қабул қилинган қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамкорликда тарғибот ишларини олиб бориши зарурлиги қайд этилди. Хусусан, тўйларни ўтказишда миллий урф-одат ва аъаналарни менсимаслик, исрофгарчилик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан оилавий тадбирларнинг ўтказилиш юзасидан мониторинг, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан амалға оширилладиган депутатлик ва жамоатчилик назорати натижаларини таҳлил қилиб, Сенат Кенгашиға мунтазам равишда тегишли ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилди.

Шундан сўнг сенаторлар “Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонунға ва “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунға мувофиқ сафарбарлик қақруви резервидаги хизматға оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ёшларнинг қақрувға қадар бошланчй тайёрларлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Ариповға парламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани қўриб чиқдилар.

Сўзға чиққанлар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлиғида барча соҳада, шу жумладан, мамлакатимизнинг мудофға салоҳиятини мустаҳкамлаш соҳасида кенг қўламли ислотлар олиб борилаётганини қайд этидилар. Хусусан, мамлакатнинг янги Мудофға доктринаси қабул қилиниб, унда Қуролли Кўчлар олдида турган вазифалар, миллий армияни шакллантириш, миллий армияни шакллантириш истиқболли йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бир вақтда Қуролли Кўчларни янада ислот қилиш ва ривожлантиришға, мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда мудофға қобилиятини кучайтиришға қаратилган чора-тадбирлар амалға оширилмоқда.

Айни пайтда тобора ўзғариб бораётган халқро вазият таҳлили, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизига, ўсиб бораётган авлодининг онгига ахборотлар билан руҳий таъсир ўтказишға уринишлар олиб бораётгани ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини, ўсимларнинг ҳарбий тайёрларлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда.

Сенат томонидан сафарбарлик қақруви резерви сафида хизмат қилишға, ушбу хизматни ташкил этиш ва ўташға оид ҳужжатлар ижроси, шунингдек, ёшларни қақрувға қадар бошланчй тайёрлаш ишлари ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди.

Уларни қўриб чиқиш натижалари бўйича сенаторлар томонидан сафарбарлик қақруви резервидаги хизматни ташкил этиш ва ўташ масалалари, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳўнар таълими муассасаларидаги қақрувға қадар бошланчй тайёрларлик тизимини такомиллаштириш, қақрув ёши чегарасини қўсқартириш, қақрувға қадар бошланчй тайёрларлик фани ўқитувчиси лавозимларига касбий жиҳатдан яхши тайёрланган, малакали, иш тажрибасига эға шахсларни, шу жумладан, заҳира ва резерв офицерларини тайинлаш чора-тадбирлари тўғрисида асослантирилган ислотлар бериш илтимоси билан парламент сўрови юборилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчисини, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисини тайинлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларини қўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ялпи мажлисда Олий Мажлиси Сенати ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Умуман олганда, ўн бешинчи ялпи мажлис давомида Сенат ваколатларига қирадиган 23 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалға оширилаётган ислотларнинг самарадорлигини таъминлашға, халқро ҳамкорлиқни ривожлантиришға хизмат қилувчи 10 та қонун қўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Шиддаткор ислотлар даврида масъулиятни янада кучайтириш — устувор вазифа

Тошкентда Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси якунланди. Сенаторлар қонунлар билан бир қаторда, парламент назорати тартибида Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалға оширишда муҳим аҳамиятға эға долзарб масалаларни ҳам қўриб чиқдилар. Мухбиримиз бу ҳақда сенаторлар фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Нигора РАББИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси (Самарқанд вилояти):

— Бугун мамлакатимизда рўёбға чиқарилаётган аниқ чора-тадбирлар, изчил сайҳ-ҳаракатлар давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, айнаикса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлиғига эришиш ҳамда суд-ҳўқуқ тизимини янада ислот қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани тараққий топтириш, энг муҳими, тинчлик-осойишталикни муҳофазатишға қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айни ялпи мажлис арафасида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамиға тайёрларлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори имзолангани олиб борилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиради, десак, асло янгилшмаймиз. Бинобарин,

Алишер КУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Мамнуният билан қайд этиш жоиз, жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиёда мутлақо янгиҳа муҳит юзаға келгани, яқин қўшничилик муносабатлари пайдо бўлгани, тарихий алоқалар тикланаётганини ва шу билан бирға, минтақаларо ҳамкорлик фаоллашганини ақдйлик билан тан олмоқда. Ушбу ютуқларнинг барчаси, шубҳасиз, Президентимизнинг хорижий давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан олиб бораётган очик, конструктив, ўзаро фойдали ташқи сиёсати билан боғлиқ. Ташқи сиёсатдаги муҳим воқеаларда давлатимиз раҳбарининг Тожикистон ҳамда АКШға амалға оширган давлат ташрифлари ва Туркия ҳамда Тожикистон раҳбарларининг мамлакатимизға ташрифларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сенат ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг вазирлик зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахбо-

ротини эшитдик. Айтиш мумкинки, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиғида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқро майдонда мамлакат миллий манфаатларини ифода этишға қаратилган изчил ишлар олиб борилган. Вазирлик фаолияти кучайганини рақамларда ҳам қўриш мумкин. Шундай бўлса-да, аниқ натижаға йўналтирилган мақсадли ишларға ҳам эътибор қаратиш зарур. Масалан, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш соҳасида биринчи ярим йилликда 47 та ҳужжат тузилган, шундан 9 таси битим шаклида имзоланган бўлса, қолган 38 таси мажбурий хусусиятға эға бўлмаган меморандумларни ташкил қилади. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича “йўл ҳариталари” ижросини ҳам таъминлаш лозим. Шунингдек, вазирлиқнинг чет элда яшовчи фуқароларимизнинг ҳақ-ҳўқуқларини муҳофазатишға қаратилган фаолиятини янада кучайтириш зарур.

Сайёра БАРАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Мудофға ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор:

— Парламент амалиётида илк бор Андижон вилояти ҳокими хисоботини эшитдик. Унда нафақат қўрсаткичлар, балки муаммолар таҳлили ҳам тақдим этилди. Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли зич joyлашган Андижонға қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг самараларини бермоқда. Хусусан, вилоят ҳокимининг хисоботида қайд этилганидек, 2017 йилда 1,5 триллион сўмликдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилиб, 3 мингдан ортйк лойиҳалар амалға оширилган, пировардида 42 минг 300 дан қўп янги иш ўринлари яратилгани, албатта, катта ютуқдир. Иқтисодиёт таянчи бўлган тадбиркорлиқни ривожлантиришда вилоятда эришилаётган ютуқлар ҳам эътиборға молик. Ўтган йили 2 мингдан зиёд кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил қилингани бунинг ёрқин далилидир. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурининг намунали

тарзда айнан ушбу вилоятнинг шаҳар ва туманларида бошланиши ҳам мазкур ҳудудға алоҳида эътибор ифодаси, дейиш мумкин. Шу билан бирға, айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, аҳолининг газ билан таъминлаш даражаси 35 фоизни ташкил этади, 78 фоиз ички йўллар таъмирға муҳтож. Бу муаммоларни маҳаллий ҳокимият органлари мустақил ечиш имконияти эға эмас. Бунинг учун вазирлик ҳамда идоралар, вакилик органларининг қўллаб-қувватлови зарур. Парламент ва депутатлик назоратининг таъсирчан механизмларидан фойдаланиш, туманларни комплекс ривожлантириш дастурлари бажарилишини тизимли ўрганиш, шубҳасиз, ўз натижаларини бермоқда. Бу сайҳ-ҳаракатларни изчил давом эттириш эса бугунги тезкор жараёнда жуда муҳимдир.

Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.

Ёшлар тақдириға дахлдор масалалар муҳокама этилди

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятиға кенг жалб қилиш, истиқболли гоҳ ҳамда лойиҳаларини рўёбға чиқаришға кўмаклашиш давлатимизни барқарор ривожлантиришининг энг муҳим шартидир.

Президентимизнинг жорий йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”-ги Фармони бу борада олиб борилаётган кенг қўламадиган ислотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан ташкил этилган давра суҳбати мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, Фармондан келиб чиқади-ган вазифаларни амалға ошириш масалаларига бағишланди.

Таъкидланганидек, Фармонға қўра, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб республиканин барча ҳудудида “Yoshlar — kelajagimiz” жамфармаси, шунингдек, унинг туман ва шаҳар филиалларини ташкил этилиши, “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ҳамда “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалға оширилиши муҳим аҳамиятға эға.

Анжуманда Ёшлар масалалари бўйича комиссия, сиёсий партиялар “Ёшлар қаноти” фаоллари, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда жойларда, айнаикса,

чекка ҳудудларда Фармоннинг моҳиятини кенг ёшлар қатламиға етказиш, унда белгиланган вазифаларни тўлиқ ва самарали амалға оширилишида маҳаллий Кенгаш депутатларини жалб этган ҳолда, амалий ёрдам қўрсатиш каби бир қатор тақлифлар билдирилиб, бу борадаги вазифалар белгиланб олindi.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони замонавий билим ва кўникмаларға эға, жисмоний ва маънавий етуқ, кенг дунёқараш ва қатъий ҳаётий позицияға эға бўлган ёшларни тарбиялашда ҳамда улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 4-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Убайдулла Қўрбонovich **Мингбoв** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси этиб тайинлансин.
- Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Қуйидагилар: Давлат Ҳақимович **Бобоноров** ўн йил мuddатға Зафаржон Ҳасанович **Файзиев** ўн йил мuddатға Ирода Абдукаримовна **Болтахождоева** ўн йил мuddатға Нодиржон Турсунболтаевич **Ражабов** ўн йил мuddатға Фироз Толибович **Турсунов** ўн йил мuddатға Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.
- Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 июнь

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛА